

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

14-YANVAR

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2023 йил 12 январь • №2 (1436)

2023 ЙИЛ ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ ВАТАН САРҲАДЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНИ

Аслида дунёда касблар кўп. Аммо Ватан ҳимоячиси бўлиш уларнинг ичида энг шарафлисидир. Зеро, бу киндик қони тўкилган тупроқ, шу мустақил юртни асраб авайлаш - ўз оиласи, шаъни ва ор номусини ҳимоя қилиш демақдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрдаги қонунига биноан 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни” деб эълон қилинган. Ўша кундан бошлаб ушбу санани Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топган кун сифатида нишонлаб келмоқдамиз.

Ватанни ҳимоя қилиш, уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш юртнинг ҳар бир фарзанди вазифасидир. Она юртимиз ҳар доим мард, жасур ўғлонлари билан фахрланиб келган. Йигитларимиз ота-она ва оиласини, ўзи яшаётган юрт тупроғини муқаддас билиб, Ватан ҳимояси учун доимо шай туришни бурч деб ҳисоблаган. Мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш ўта мураккаб ва олий даражадаги масъулиятдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Ҳар қайси миллат ва халқ учун муқаддас саждагоҳ бўлмиш она Ватанни кадрлаш, унинг эркинлиги ва озодлигини ҳимоялаш, бу йўлда, керак бўлса, жон фидо қилиш — шу юртнинг жасур ўғлонлари, ўзини эр йигит деб биладиган инсонлар учун қадим-қадимдан ор-номус ва мардлик белгиси бўлиб келган”. Хусусан, янгидан қабул қилинган Мудофаа доктринасида устувор вазифа сифатида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиқлик тамойили, яқин кўшнлар билан дўстона ва амалий муносабатларни янада ривожлантириш, давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш аниқ белгилаб қўйилди. Мамлакатимиз гео-

стратегик жойлашувининг ўзига хослиги, шунингдек, минтақада юзага келаётган ҳарбий-сиёсий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта кўриб чиқилди.

Ориятни, ғурур ва садоқатни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқимиз ўғлонлари учун ҳарбий қасамд — бу шунчаки расмий тадбир эмас, балки, йигитлик шаъни, ор-номуси билан онг ичиб, масъулият ва шараф билан аҳд қилиш тантанасидир. Она Ватанга садоқат билан хизмат қилиш эса муқаддас вазифа. Зеро, Президентимизнинг Ўзбекистон Қуролли кучларининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, энг асосийси, миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган эл-юрт таянчи ва суянчига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланди.

Давлатимиз раҳбари ҳар сафар Ватан посбонлари билан учрашганда нафақат ҳарбийларни шу билан бирга, уларга маънавий куч бўлиб турган ота-оналарига, ҳарбий ҳаётнинг бутун қувонч ва ташвишларини турмуш ўртоклари билан баҳам кўриб келаётган меҳрибон ва сабр тоқатли рафиқаларига ҳам улкан миннатдорчилик билдирадидилар. Бу ўз навбатида Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонли соҳанинг оғири ва машаққатини бирдек ўз зиммасига олиб



келаётган ҳарбийлар оилаларининг кечинмаларини ўзида ҳис этишини ангалатади. Шу боис, сўнгги йилларда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилалари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига эътибор кучайди, бу борада тизимли ишлар йўлга қўйилди. Бугунги кун ёшлари ватан равнаки, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик каби миллий ғояларнинг асосий йўналишлари шаклланди. Бежиз эмаски, армиямиз ҳозирги кунда нафақат ватанамиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айни вақтда мустақкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклландиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириш мактабига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 14 декабрдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида “Ўзбекистон

ва унинг бағрикенг халқи тинчликсевар сиёсат юритиш, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат билан қараш тамойилларини амалга ошириш позициясида доимо мустақкам туриб келмоқда. Лекин, зарур бўлса, биз мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига таҳдид соладиган ҳар қандай уринишларга қарши кескин зарба беришга қодирмиз. Шунинг учун мен, халқимизга мурожаат қилиб, шуни айтмоқчиманки, бу масалада ҳеч кимда ҳеч қандай иккиланаш ва шубҳа бўлмаслиги лозим. Бунга бизнинг кучимиз ҳам, қудратимиз ҳам етарли” деб ғурур билан таъкидлаб ўтдидилар.

Албатта, Ватанамиз, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш, бугунги кунда ҳар бир йигит қизнинг орзуси ва бурчига айланиб бормоқда. Қуролли Кучлар, Миллий хавфсизлик хизмати, чегара ва ички қўшинларнинг аскар ва сержантлари, офицер ва генералларига, барча ҳарбий хизматчиларимизга ўзининг ҳарбий қасамёди ва муқаддас бурчига садоқатли бўлиб, маҳорат, мардлик ва жасорат билан, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида ватанпарварлик бурчини бажараётган ҳар бир юртдошимизни Ватан ҳимоячилари куни билан табриқлаймиз.

Зеро, Ватан остонадан, инсон яшаб нафас олиб турган гўшадан, инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқдан бошланади. Ватанамиз заминининг ҳар бир қаричи муқаддас ҳисобланади. Шунинг учун аجدодларимиз юрт тупроғини кўзларига тўтиё этганлар, қаерга борса ҳам ватан ёди билан нафас олганлар. Мухтасар айтганда, ҳар бир инсоннинг ўз Ватани унинг учун дунёдаги энг гўзал ва муқаддас макондир.

Намозжон ТОЛИПОВ,
журналист.

Қўшма баёнот

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ
АЛОҲИДА ИМТИЁЗГА ЭГА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма баёноти

Ижтимоий тармоқларда тез тиббий ёрдам автомобилларига тезликни ўлчовчи махсус автоматлаштирилган, онлайн режимда ишловчи камералар орқали қайд этилиб, жарима белгилаётганлиги ва улар бекор қилинмаётганлиги ҳақида хабарлар тарқалмоқда.

Маълум қиламизки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 17-прим 1-моддаси бешинчи хатбошига кўра, тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситалари, шунингдек улар кузатиб келаётган транспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ имтиёздан фойдаланган ҳолда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар махсус фото ва видео қайд этишнинг автоматлаштирилган техник воситалари орқали қайд этилган тақдирда ҳамда кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазибаларини бажарганликни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда ҳайдовчилар-

нинг маъмурий қоидабузарлиги охири зарурат ҳолатларида содир этилган деб топилади. Сўнг мазкур маъмурий иш ушбу кодекснинг 271-моддасига мувофиқ тугатилади.


Мазкур ҳужжатнинг 271-моддаси биринчи хатбошининг тўртинчи кичик бандига кўра, шахс ҳаракатни охири зарурат ҳолатида қилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас. Бошланган иш эса тугатилиши лозимлиги белгиланган.

Маълумот учун: тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситалари, шунингдек, улар кузатиб келаётган транспорт воситаларининг ҳайдов-

чилари кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазибаларини бажараётиб, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш шарт билан йўл ҳаракати қоидаларининг (7-боб, 9-16, 19-20 ва 22-боблари, 1 ва 2-иловалари) талабларидан четга чиқишлари мумкин.

Йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларига нисбатан имтиёзга эга бўлиши учун махсус хизматларнинг транспорт воситаларида кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи маёқчалар ва махсус товушли ишора ёқилган бўлиши шарт. Улар ўзларига йўл берилмаётганлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина имтиёздан фойдаланишлари мумкин.

Эслитиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 128-прим 5-моддаси биринчи қисмига кўра, махсус хизматларнинг кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялтирок маёқчани ёққан ҳолда ҳамда махсус товушли сигнал билан яқинлашиб



келаётган транспорт воситалари тўсиқсиз ўтиб кетиши учун транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан ҳалакит бериш – БХМнинг беш баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

2022 йилнинг 1 ноябрь куни ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги, Республика тез тиббий ёрдам хизмати маркази ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги автотранспорт бўлими масъул раҳбарлари

иштирокида тез тиббий ёрдам автомобилларининг махсус фото-видео фиксация мосламалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича келиб чиқаётган муаммолар тўлиқ бартараф этилиб, ишлаш механизми йўлга қўйилган.

Ички ишлар вазирлиги,
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

ТАЛАБАЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Жиззах шаҳрида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Жиззах филиали ҳамда Жиззах вилоятида энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган вилоят Болалар диагностика маркази ташкил этилади.

корлик доирасида талабалар, профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчилар академик мобиллиги дастурлари ҳамда қўшма таълим дастурларини жорий этиши ва ривожлантириши;

– республика ва хорижий

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЖИЗЗАХ
ФИЛИАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Мазкур филиалнинг асосий вазибалари этиб ҳудудда малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, хорижий олий таълим муассасаларининг илғор тажрибасини татбиқ этиш асосида малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқиш каби белгиланмоқда.

Шунингдек:

– фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратиш, тиббий таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар нати-

жаларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш; хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳам-

олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларга иқтидорли ёш битирувчиларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали филиал илмий-педагогик кадрлар салоҳиятини ошириб бориш;

– Филиалнинг минтақа ва халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш мақсадида хорижий фуқаролар учун таълим олиш имкониятини кенгайтириш ва илғор халқаро тажрибани татбиқ этиши.

2023/2024 ўқув йилидан Жиззах давлат педагогика университетининг «Даволаш иши» ва «Педиатрия иши» бакалавриат таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларга ўқишини Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Жиззах филиалида давом эттиришларига рухсат берилади.

@ssvuz

ҚОНУН ҲАММАГА БАРОБАР

Қонунчиликка кўра, таркибида кучли таъсир қилувчи ва психотроп моддалар, гиёҳвандлик воситалари мавжуд бўлмаган, рецепт билан берилмайдиган дори воситаларини рецептсиз сотиш базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача жаримага сабаб бўлади.

қамоқ жазосига сабаб бўлади.

Дорихоналар мунтазам равишда бундай қонунбузарликни содир этиб келган тақдирда, бу ҳолат лицензия талаблари ва шартларининг қўпол равишда бузилиши ҳисобланиб, лицензиянинг амал қилиши белгиланган тартибда

РЕЦЕПТСИЗ БЕРИШ МУМКИН БЎЛМАГАН ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИ СОТГАН ТАДБИРКОРЛАРГА
ҚАНДАЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН?

тўхтатилишига олиб келади.

Дорихоналарга тадбиркорлик субъекти деб қаралади. Ҳолбуки, у ерда оқ халат кийган мутахассислар ишлайди. Бу – улар барча фармацевтик талабларга тўлиқ жавоб бериши керак дегани.

Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларни рецептсиз сотиш эса базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз баравари миқдорда жарима, икки йил ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йиллик

Шунинг учун мамлакатимиздаги барча дорихоналар томонидан зарур дорихона амалиёти талаблари бажарилишини таъминлаш лозим.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА,
Фармацевтика тармоғини
ривожлантириш агентлиги
директори маслаҳатчиси.

ЎЗИНГИЗНИ ЭХТИЁТ ҚИЛИНГ

АНОМАЛ СОВУҚ КИМЛАРДА АЛЛЕРГИК РЕАКЦИЯЛАРНИ ҚЎЗҒАТИШИ МУМКИН?

Шу кунларда юртимизда аномал совуқ кузатилмоқда. Бундай ҳарорат баъзи инсонларда аллергия реакцияларни ҳосил қилиши мумкин.



Совуқ оқибатида пайдо бўладиган аллергия тананинг паст ҳарорат таъсирига ҳаддан ташқари сезгирлигини англайди. У кўпроқ аёллар ва болаларда кузатилади. Ушбу касаллик, аввало, иммунитет тизимининг заифлиги аломати. Бундай инсонлар совуқ билан юзлашганда, организм ноёб патологик оқсил – криоглобулин ишлаб чиқара бошлайди. У иммунитет ҳужайралари томонидан ёт унсур сифатида қабул қилиниб, ҳужумга учрайди. Бу жараёнда фаол ишлаб чиқариладиган гистамин моддаси эса аллергия реакцияга сабаб бўлади. Хасталик турли кўриниш ва шаклларда намоён бўлиши мумкин: эшакеми, ринит, конъюнктивит, дерматит, астма. Ҳатто оғир ҳолатларда баъзи беморларда Квинке шиши ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Улар орасида энг кенг тарқалгани эша-

кеми бўлиб, танада пуфакчалар пайдо бўлиши билан тавсифланади. Совуқдан аллергия белгилари изғирин ҳарорат таъсиридан 3-5 дақиқа ўтгач пайдо бўлади ва аломатлар 1-2 соатдан бир неча кунгача давом этиши мумкин.

Касалликнинг ўткир ва сурункали шаклида қўл, юз, ёнок

ва оёқларда кучли қичишиш юзага келиб, сўнгра терида қизил доғ ва пуфакчалар ҳосил бўлади. Баъзан титрок, умумий ҳолсизлик, юрак уриши тезлашиши ва бўғимларда оғрик кузатилади. Нафас қисилиши, тахикардия, қон босими пасайиши, кўнгил айнаши, қусиш, қорин оғриғи безовта қилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шунни айтиш жоизки, ўткир респиратор вирусли касалликка чалинган, аллергияга наслий мойиллиги бор, ошқозон-ичак йўллари ва жигар хасталикларидан азият чекаётган беморларда совуқ ҳарорат таъсирига кўпроқ сезгирлик кузатилади.

Илмира РАЗИКОВА,
Республика илмий ихтисослаштирилган
аллергология маркази директори,
тиббийёт фанлари доктори, профессор.

• МИННАТДОРЛИК •

МЕҲНАТЛАРИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

Бугунги кунда қайси бир тиббийёт муассасасида бўлмалик, у ерда жамоа ходимлари, қолаверса, беморлар учун кенг имкониятлар яратилганини кўриб хурсанд бўламиз.

Айниқса, шифо ма-асканларининг янгидан бунёд этилаётганлиги, замонавий аппаратураларнинг мавжудлиги ҳамда малакали кадрлар билан таъминланганлиги аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Албатта, бу каби туб ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Таъкидлашим муҳими, бундай эзгу ишларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳиссалари ниҳоятда каттадир. Уларнинг одилона сиёсатлари туфайли мамлакатимиз тиббийёт тизимига жуда катта эътибор қаратилди. Соҳада эришилаётган ютуқларни эшитиб, кўриб гувоҳи бўлиб келмоқдамиз. Ҳақли равишда айтишим жоизки, Ўзбекистон тиббийёти айни пайтда жаҳонҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда. Бу борада халқимиз саломатлиги учун шарт-шароитлар яратилиб, беморлар хорижий давлатларга бормасдан барча тиббий ёрдамларни юртимиз тиббийёт муассасаларда олмақдалар. Шунингдек, шифо ма-асканларида меҳнат қилаётган тиббийёт ходимларининг кўрсатаётган сифатли тиббий хизматларидан халқимиз мамнун бўлиб,

қўлларини дуога очмоқда. Ана шундай эътирофга молик фаолиятларини Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман тиббийёт бирлашмаси ва унинг тассаруфидаси шифохоналарда кўрдик ва гувоҳи бўлдик...

Иссиқ жоннинг иситмаси бор деганларидек, қизим Дилнозанинг соғлигида ўзгариш бўлди. Унинг саломатлигини тиклаш мақсадида Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман тиббийёт бирлашмаси ва кўп тармоқли поликлиникаси шифокорларига мурожаат қилдик. Аввало, мутахассисларнинг тавсияси билан малакали тиббийёт ходимлари томонидан тиббий текширувлар ўтказилди. Қизимдаги ташхис аниқлангандан сўнг тажрибали шифокорлар оғиз бўшлиғига даво муолажалари олишимиз ва тиш қўйиш зарурлигини тавсия қилишди. Тез орада кўрсатилган сифатли тиббий ёрдам туфайли Дилнозанинг саломатли-

ги ижобий томонга ўзгарди. Албатта, ушбу шифо масканида ўзининг касбий билими, изланиши ҳамда фаолиятига бўлган садоқати билан беморлар дардига даво бўлаётган кўп сонли тиббийёт ходимларининг астойдил меҳнатлари туфайли дардан халос бўлди. Шунингдек, жамоа орасидаги аҳиллик, бир-бирига бўлган ҳурмат ва қабулга келаётган беморларни

Ушбу шифо масканида ўзининг касбий билими, изланиши ҳамда фаолиятига бўлган садоқати билан беморлар дардига даво бўлаётган кўп сонли тиббийёт ходимларининг астойдил меҳнатлари туфайли дардан халос бўлди.

илиқлик билан кутиб олиш шифо масканида соғлом муҳит муҳимлигини кўрдик. Катта жамоада самарали меҳнат қилиш, ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиш осон эмас. Бундай эзгуликлар сари интилиб, ходимлар ва инсонлар қалбига йўл топишда ўз меҳнатини аямаётган ташаббускор, каттиққўл, тажрибали раҳбар Анвар Қиличовнинг фидойи меҳнатлари рағбатга муносибдир. Шунингдек, ўзларининг

астойдил меҳнатлари ва билим тажрибалари билан қизимни дардан фориғ этган тиббийёт ходимларидан Камола, Сайдо, Назокат, Лола, Акбар, Феруза, Дилбар, Маъмура, Мастура опа, Наргиза, Нодира, Дурдона, Камола, Шахноза, Сурайё, Карима опа, Нилуфар, Мухайё, Барно, Дилдора Орипова ва барча жамоа ходимларига оиламизнинг чексиз миннатдорчилигини йўллаймиз. Асосан, Шайхонтохур туман тиббийёт бирлашмаси бошлиғи Анвар Қиличовга ҳам алоҳида ўз мамнунлигимизни билдираемиз. Бундан ташқари ушбу шифо масканлари фаолияти ва аҳолимизга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган Шайхонтохур туман ҳокимининг ўринбосарлари Зиёда Тоҳирова ва Азизхон ҳамда Азизбеклар, шунингдек, “Исломобод” маҳалласи раиси Абдусаттор ака ва Гулчехраҳонларга ҳам дил ташаккуримизни изҳор этамиз. Ана шундай қалби эзгуликка йўғрилган тиббийёт ходимларининг борлиги бу бизнинг бахтимиздир.

Юқорида меҳнатлари эътироф этилган Шайхонтохур туман тиббийёт бирлашмаси бошлиғи Анвар Қиличов ҳамда туман кўп тармоқли поликлиниканинг аҳил жамоасига мустаҳкам соғлик, узоқ-умр, халқимиз саломатлиги йўлидаги фидойи ишларига муваффақиятлар тилаб қоламан.

Шоҳида НИШОНХОДЖАЕВА,
Дилноза ЮНУСОВА,
Тошкент шаҳри.

■ ЖАЗО МУҚАРРАР

БОЙСУНЛИК ШИФОКОРНИ КАЛТАКЛАГАН ФУҚАРОГА НИСБАТАН ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИЛДИ

Ижтимоий тармоқларда Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида шифокор аёвсиз калтаклангани акс этган видеолар тарқалган эди. Бу ҳақда Соғлиқни сақлаш вазирлиги расмий маълумот берди.

Маълум қилинишича, Бойсун туман тиббийёт бирлашмаси қабул бўлимида шу йил 9 январь санасида навбатчилик қилаётган шифокор Ф.Ж. ва фуқаро Ш.Х. ўртасида шахсий масала юзасидан тортишув келиб чиққан. Оқибатда келишмовчилик жанжалга айланиб, шифокор олган тан жароҳати туфайли ҳушини йўқотган.

Шунингдек, жабрланувчи туман тиббийёт бирлашмасининг шошилич тиббий ёрдам бўлимига «Бурун суягининг ёпиқ синиши. Ўнг кўз олмаси контузияси. Ўнг юқори жағ жароҳати» ташхиси билан ётқизилган. Ҳозир беморнинг аҳволи ўрта оғир. Даво муолажалари белгиланган стандартлар асосида олиб борилмоқда.

Мазкур ҳолат юзасидан Бойсун туман Ички ишлар бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

МУТАХАССИС ФИКРИ

КОРОНАВИРУС АСОРАТЛАРИ СУЯК
ВА БЎҒИМЛАР ЕМИРИЛИШИГА
САБАБ БЎЛМОҚДА

Вақт ўтиши билан тиббиётда бу хавfli инфекция билан курашишнинг самарали йўллари топилди. Даволаш стандартлари такомиллаштирилди. Энг муҳими, COVID-19га қарши вакциналар яратилди.

Аммо кўп ўтмай, коронавируснинг яна бир хавfli жиҳати маъмум бўлди. Яъни унинг оғир асоратлари! Ушбу ҳолат COVID-19ни бошдан кечирган баъзи беморларда сон суяги, елка, тизза бўғимларининг емирилиши билан кечаётгани сир эмас. Бу – дунё олимларининг илмий хулосаси.

Агар статистик таҳлилларга мурожаат қилсак, пандемиягача бўлган даврдан то ҳозирги кунгача мазкур хасталикка чалинган беморлар сони 3-4 баробар ортганини кўрамиз.

Оқибатда ушбу касалликнинг оғир босқичларида юқори технологик операция ҳисобланадиган эндопротезлаш амалиётига муҳтож беморлар сони кўпайиб бормоқда.

Тўғри, коронавирус пандемияси бошланмасидан аввал ҳам аваскуляр некроздан азият чекувчи юртдошларимиздан мурожаатлар бўларди.

Аммо уларнинг сони ҳозирги пайтдаги сингари кўп эмасди.

Бугунга келиб тиббиёт марказимизда шундай дардга чалинган мингдан ортиқ беморларнинг реестрини шакллантирганмиз. Таҳлиллар асосида кўряпмизки, уларнинг аксарияти коронавирусга қарши эмланмагани оқибатида касалликни оғир ўтказган.

Устига-устак, шифокор тавсиясиз, уй шароитида турли антибиотик, гормон препаратларини палапартиш қўллаган. Оқибатда вақт ўтиши билан суякларда емирилиш ҳолатлари юзага келмоқда.



Шундай экан, дори воситаларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш турли оғир асоратларни келтириб чиқаришини унутмайлик. Қолаверса, юртдошларимизга COVID-19га қарши тўлиқ босқичда ва бустер дозада, албатта, эмланишлари зарурлигини эслатиб ўтаман.

Муроджон ИРИСМЕТОВ,
Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор.

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Инсон саломатлиги учун организмда витамин ва минерал моддалар етарли миқдорда бўлиши зарур. Акс ҳолда танада салбий ўзгаришлар кузатилиб, жиддий асоратлар келиб чиқиши мумкин.

лар ҳам издан чиқади. Суяклар, тишлар, соч ва тирноқлар ҳолатига салбий таъсир этади. Юрак-қон томир тизими касалликлари ривожланади, иммунитет заифлашади.

Шунингдек:
– асабийлик ва фикр

КАЛЬЦИЙ ЕТИШМАСЛИГИ
ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАР БИЛАН
НАМОЁН БЎЛАДИ?

Кальций ана шундай элемент. У нерв томирларида импульс ўтказувчанлигини, мушаклар қисқаришини бошқаришда иштирок этади ва қон ивиш тизимининг асосий компоненти ҳисобланади. Сўнгги вақтларда дунёда коронавируснинг оғир шакли билан касалланиб соғайган аксарият беморларда таянч-харакат тизими хасталиклари кўп учрапти. Бунга эса айнан кальций етишмаслиги сабаб сифатида кўрсатилмоқда. Шу боис, мутахассислар Covid-19га қарши тўлиқ босқичларда ва бу стер доза билан эмланишни тавсия этади. Сабаби ўз вақтида вакцина олиш юқоридаги каби жиддий асоратларнинг олдини олишга хизмат қилади. Аслида ушбу модданинг



тарқоқлиги;

- кўп терлаш;
- танада тез-тез титроқ;
- тез чарчаш;
- мушаклар тортишиши;
- қабзият;
- тирноқларда оқ доғлар пайдо бўлиши;
- юрак уришининг бузилиши;
- тез-тез ва кучли бош айланиши;

камлиги билан танада бошқа метаболит жараёни суякларда оғриқлар кузатилади.

Қолаверса, болаларда ўсишнинг секинлашуви ҳам айнан кальций етишмовчилиги билан боғлиқ. Айниқса, бу ҳолат ҳомиладорлик асоратлари хавфини оширади. Шу сабабли ЖССТ бўлғуси оналарга ушбу элементни қўшимча равишда қабул қилишни тавсия этади.

Умида РУСТАМОВА,

Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори.

ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИГА
ҚЎЙИЛАДИГАН САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА
ТАЛАБЛАРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари кўрилаётган, қайта кўрилаётган ва фаолият юритаётган, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи барча деҳқон бозорларининг санитария-гигиена ҳолати, улардаги маҳсулотларни сақлаш, ташиш ҳамда сотишга бўлган санитария талабларини белгилайди.



лабларига кўра, сут маҳсулотлари тоза идишда қабул қилинади. Идишлар махсус материаллардан (шиша, чинни, алюмин, бидонлар) тайёрланиши ва улар тоза ҳамда зич ёпиладиган қопқоқли бўлиши керак. Мевалар, сабзавотлар ва тузламалар бир-бирдан алоҳида жойлаштирилган ҳолда сотилади.

Тузланган мева ва сабзавотлар фақат шу мақсадлар учун мўлжалланган ёғоч, сирланган ёки пластик идишларда сотилади. Харидорларга маҳсулотлар фақат махсус куракчалар ва чўмичларда олиб берилади. Куритилган қўзиқоринларни сотиш учун алоҳида илгалар билан жиҳозланган жой ажратилади.

Ун, ёрма, дон маҳсулотлари тагликлар устига жойлаштирилган тоза идишларда туриши ва харидорларнинг тоза идишларига солиниши керак.

Тез бузиладиган маҳсулотлар очиқ майдонларда совутгичларда сақланган ҳолда сотилади.

ЎЗА.



Деҳқон бозорларига қўйиладиган санитария-гигиена талаблари 9 та бобдан иборат бўлиб, 1-бобда деҳқон бозорлари ҳудудига бўлган санитария талаблари, 2-бобда сув таъминоти ва канализацияга бўлган талаблар, 3-бобда вентиляция, иситиш ва ёритишга бўлган талаблар, 4-бобда бозор хоналарига бўлган талаблар, 5-бобда эса асбоб-ускуна ва жиҳозларга бўлган санитария талаблари, 6-бобда озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотишга бўл-

ган санитария талаблари белгиланган. Шунингдек, 7-боб дезинфекция, дезинсекция ва дератизация тадбирларига, 8-боб бозорларда озиқ-овқат хом ашёси ва маҳсулотларини ташишга бўлган санитария талабларига, 9-боб бозор ходимлари ва сотувчиларга нисбатан шахсий гигиена талабларига оид.

Ушбу санитария та-

• МИННАТДОРЛИК •

ДИЛ ТАШАККУРИМ
СИЗЛАРГА!

Дунёда шундай касб эгалари борки, улар фақат эзгулик сари интиладилар. Қолаверса, ўз касбига садоқат билан ёндошиб, умрининг охиригача давлатимиз ривожига халқимизнинг турмуш фаровонлиги учун астойдил хизмат қилади. Эл назарига тушиб, ҳалол меҳнати ила инсонлар дуосига мушарраф бўлади.

Эътироф билан айтмоқчиманки, инсон учун энг катта бойлик бўлган соғлигимиз посбонлари бўлмиш, мамлакатимизнинг кўп сонли тиббиёт ходимлари меҳнатини қанчалар эъзозласақда арзийди. Юқоридаги фикрларимни исботи сифатида айтмоқчиманки, Давлатимиз раҳбарининг соҳа ходимлари фаолиятига бўлган эътибор ва ғамхўрликларини кўриб, ҳақиқатан ҳам ушбу касб эгаларининг машаққатли ҳамда масъулиятли ишлари инсон саломатлиги учун беқиёс эканлигини гувоҳи бўлиб келмоқдамиз. Яқинда соғлигимда ўзгариш бўлиб, юз соҳамдаги оғриқлар безовта қила бошлади. Худудимиздаги 46-сонли оилавий поликлиникага бордим. Оилавий шифокоримизга мурожаат қилдим. Улар саломатлигимдаги

кўрсатган сифатли тиббий хизматлари туфайли дарддан халос бўлдим. Бир сўз билан айтганда, инсон саломатлиги учун оилавий поликлиникаларнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигини чуқур англаб етдим. Чунки узок йўл босиб, олисдаги тиббиёт муассасаларига обора бўлиб бормадим. Шунингдек, оилавий иқтисодим ҳам тежалди. Айниқса, оилавий поликлиникамизга кириб боришимиз биланок, соғлом муҳит барқарорлигини кўрадим. Бир-биридан чаккон меҳрибон ҳамши-



раларнинг қўли кўксидан самимият билан кутиб олишлари қалбимизга мамнунлик бахш этади. Бундан ташқари, тажрибали шифокорлар ва кичик тиббиёт ходимларининг ўз касбига бўлган садоқати ҳамда хушмуомалалиги, бу албатта, тиббиёт ходимларининг деонтологиясига хос эканлигини кўрасиз. Шифо масканидаги жамоа ходимларининг аҳиллиги, касбий шижоати ва масъулияти ҳамда албатта, 46-сонли оилавий поликлиниканинг бош шифокори Гўзал Холиқованинг меҳнатлари ҳам таҳсинга сазовордир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бош шифокор Гўзал Холиқова, тажрибали шифокорлар Муяссар Эшонқулова, Соҳида Ражабова ва барча қўли энгил ҳамшираларга ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни изҳор этаман. Уларга мустақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва масъулиятли ишларига ривожлар тилайман. Доимо элимиз назарида бўлишларини истаб қоламан.

Исроил НАБИЕВ.
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани.



O'zbekiston Respublikasi S...
bot



O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi murojaat yo'llash rasmiy boti

Description

@murojat_ssv_bot

Username



МУРОЖААТЛАРНИ ТЕЗКОР ҲАЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАЗИРЛИКНИНГ РАСМИЙ ТЕЛЕГРАМ БОТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 2023 йил “Коррупцияга қарши кураш йили” деб эълон қилинган ҳақида хабар бергандик. (<https://t.me/ssvuz/11829>) Ушбу чора-тадбирлар доирасида соҳада аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг интенсив шакллари амалиётга татбиқ этилмоқда.

Хусусан, коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш ва фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида вазирликнинг расмий телеграм-боти — https://t.me/murojat_ssv_bot ишга туширилди.

Ушбу электрон платформа орқали қабул қилинган ҳар бир мурожаат қисқа муддатда кўриб чиқилиб, уларга қонун доирасида тезкор ечим топиш чоралари кўрилади.

@ssvuz

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ

Долзарблиги: Ибн Сино арпабодиён мевасини нафас олиш қийинлашганда уни энгиллаштириш учун, жигар (ўт ҳайдовчи восита сифатида) ва бўйрак (сийдик ҳайдовчи восита сифатида) касалликларини даволашда ҳамда терлатувчи дори сифатида қўлланган.

Арпабодиён (анисси-мон арпабодиён, анис обыкновенный) – бир йиллик, бўйи 30-60 смга етадиган ўт ўсимлик. Тиббиётда арпабодиённинг меваси ва ундан олинган эфир мойидан доривор сифатида фойдаланилади. Арпабодиён меваларининг 50-60 фоизи қўнғир рангга кириб, пишганда ўсимлик ўриб олинади, боғ-боғ қилиб боғланади. Хом меваларнинг етилиши ва қуриши учун поянинг юқори, мевали қисмини юқорига қаратиб хирмонга тўплаб қўйилади. Хом мевалар етилгач, қуриган ўсимлик янчилади, элаб меваси ажратиб олинади. Халқ табибатида арпабодиён мевасининг дамламаси терлатувчи, чанқов босувчи, сийдик ва ўт ҳайдовчи, ишгаҳа очувчи восита сифатида ҳамда айрим меъда-ичак касалликларига даво қилиш учун қўлла-

ТОШСИЗ СУРУНКАЛИ ХОЛЕЦИСТИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШДА АРПАБОДИЁН ДОРИВОР ЎСИМЛИГИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

нилади. Арпабодиён мевасдан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қўйиб, устига майдаланган мевадан бир чой қошиқ солинади ва бир соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра дамлама доқада сузилади. Юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун дамладан кунига 3-4 марта овқатдан 15 дақиқа олдин ярим стакандан истеъмол қилинади. Илмий тибби-

ётда арпабодиён меваси ва ундан олинган эфир мойининг доривор препаратлари бронхит касаллигида балғам кўчирувчи ҳамда ичак фаолиятини яхшиловчи ва ел ҳайдовчи (қорин дам бўлганда) дори сифатида қўлланилади. Арпабодиён эфир мойи кўкрак шомлаб оғриганида ва балғам кўчирувчи восита сифатида ишлатиладиган кўкрак элексири ва новшадил – арпабодиён томчиси таркибига қиради.

Меваси ич юмшатувчи (сурги), балғам кўчирувчи, кўкрак оғриғида ишлатиладиган йиғма чойлар таркибига қиради.

Олдимизга қўйилган мақсад: Халқ табибатида кенг ишлатилиб келинаётган арпабодиён дамламасининг тош-

сиз сурункали холецистит касаллигининг даволашдаги самарадорлигини аниқлашдан иборат эди.

Материал ва методлар: Сурункали холецистит касаллигининг тошсиз тури билан оғриган 22 та бемор танлаб олинди. Улардан 12 нафарига умумий парҳез ва медикаментоз даво муолажасига қўшимча арпабодиён дамламасидан кунига 3-4 марта овқатдан 15 дақиқа олдин ярим стакандан истеъмол қилиш учун берилди. Назорат гуруҳ сифатида даволанаётган 10 нафар беморга анъанавий тарзда даволаш тавсия қилинди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики арпабодиён қабул қилган беморларнинг аксариятида даволашнинг 5-6 кунда овқат хазм қилишдан кейин энгиллик, ўнг қовурга ёйи остида оғриқ камайиши, оғизда аччиқ таъм бўлишининг, ич дам бўлишининг камайиши кузатилди. Анъанавий медикаментоз даволанган беморларда эса 9-11 кунга ўнг қовурга ёйи остида оғриқларнинг ва метеоризмнинг камайиши кузатилди.

Ғанижон ҚУЛМАТОВ,
Тошкент Тиббиёт Академияси Урганч филиали
даволаш факультети 4-босқич бакалавр талабаси.

ВРАЧИ ГОВОРЯТ

Переживания о будущем, затянувшаяся пандемия, политические и экономические потрясения никому не добавляют здоровья. От таких симптомов, как бессонница, повышенная тревожность, упадок сил, обострение хронических заболеваний, сегодня страдают миллионы. И хоть мы не можем изменить реальность, поддержать свой организм во время хронического стресса способен каждый.

ЧТО ТАКОЕ СТРЕСС

Составители словаря CollinsEnglishDictionary назвали главным словом 2022 года: *permacrisis*, то есть «перманентный кризис» – продолжительный период нестабильности и небезопасности. В медицинской науке для этого понятия есть свой термин – «хронический стресс», и он не случайно вошел в лексикон врачей.



Кратковременный стресс, то есть быстрое негативное воздействие, и стресс длительный действуют на организм принципиально по-разному. Например, обнаружить в собственной спальне паука – неприятно, но не смертельно. В кровь мгновенно хлынут гормоны адреналин и кортизол, которые подскажут мозгу и телу правильное решение: убежать, драться или замереть и ждать, пока паук сам покинет помещение.

Но если негативное воздействие длится неделями и месяцами, ситуация никак не разрешается, гормоны стресса постоянно зашкаливают, речь идет о хроническом стрессе. Именно его справедливо называют тихим убийцей: стабильно высокий уровень кортизола в крови подавляет работу иммунной системы, ассоциирован с высоким риском развития сердечно-сосудистых заболеваний, диабета, синдрома хронической усталости и нарушений в работе мозга.

КАК ПРОВЕРИТЬ
УРОВЕНЬ СТРЕССА


Существует несколько тестов, которые помогают определить, насколько сильно влияние стресса на конкретного человека.

Типичные признаки хронического стресса

«БОЛЬШЕ НЕ МОГУ»: ЯВНЫЕ ПРИЗНАКИ, ЧТО ВАШ ОРГАНИЗМ НЕ СПРАВЛЯЕТСЯ СО СТРЕССОМ

Чем больше типичных признаков вы отмечаете у себя, тем сильнее влияние нервного напряжения на ваше здоровье:

- склонность к вирусным и инфекционным заболеваниям (ОРВИ, рецидив герпеса чаще 4-х раз в год);
- трудности с запоминанием, вниманием;
- сложности с засыпанием, бессонница;
- упадок сил, низкая толерантность к физической нагрузке (лень вставать и двигаться);
- тело накапливает жир в области живота (так называемое кортизоловое ожирение);
- раздражительность, склонность к агрессивному поведению, перепады настроения;
- низкая работоспособность, «туман в голове»;
- нарушение менструального цикла и симптомы ПМС у женщин.

ТЕСТ НА УРОВЕНЬ
СТРЕССА

Тест Акиоши Китаока

Оптические иллюзии японского психиатра Акиоши Китаока – еще один способ оценить

свое психологическое состояние и уровень стресса. Взгляните на картинку «Вращающийся дракон». Что вы видите?

Изображение неподвижно. Прекрасный результат! Если вы видите узор статичным, скорее всего, ваше психологическое состояние стабильно и организм не испытывает симптомов хронического стресса и сильной усталости.

Изображение медленно движется. По мнению авто-

матомов стресса, кровообращение замедляется, а когнитивные функции и работоспособность снижаются на



нервного напряжения – полноценный ночной отдых. Во сне вырабатывается гормон мелатонин, который уравнивает гормоны стресса. Расслабиться и скорее заснуть без лекарств помогают

полная темнота в помещении, прохладный влажный воздух, отказ от гаджетов минимум за час до сна и ванны с магниевой солью (соль Эпсома). 400 г соли добавьте в теплую воду, принимайте ванну 10–15 минут, не погружаясь ниже уровня сердца. Курс – 10–15 ванн, по согласованию со специалистом.



ра методики, вы испытываете среднюю степень психологической усталости и нуждаетесь в отдыхе.

Изображение активно движется. На самом деле картинка статична, и иллюзия быстрого движения – результат психологической перегрузки, накопленной усталости и высокого уровня стресса.

Тест Акиоши Китаока не является способом постановки диагноза. Проконсультируйтесь по поводу своего состояния со специалистом.

КАК ПОМОЧЬ СЕБЕ
ПРИ ХРОНИЧЕСКОМ
СТРЕССЕ

1. Используйте техники расслабления. Эффективно снять нервное напряжение помогают медитация и дыхательные практики. Например, техника расслабляющего дыхания. Лягте на пол или на кровать, одну руку положите на грудь, другую – на живот. Дышите животом, вдыхая и выдыхая воздухом. Следите, чтобы рука на животе поднималась, а рука на груди оставалась в покое. Вдох – на 4 счета, выдох – на 8. Повторяйте цикл 10–15 раз ежедневно утром и вечером.

2. Поддержите мозг. В пери-

одне бессонницы и нервного напряжения. Поэтому поддержка мозга с помощью дополнительного приема витамина С, магния, витаминов группы В, а также препаратов, улучшающих когнитивные функции, – один из способов сохранить тонус и избежать серьезных нарушений.

3. Питайтесь полноценно. Борьба с хроническим стрессом можно и нужно с помощью полноценного питания. Антистресс-меню включает:

полезные жиры для оптимальной работы гормональной системы (растительные и сливочные масла, рыба холодных морей, печень трески, авокадо, орехи);

источники магния, железа, витамина С и группы В (мясо и субпродукты, орехи и семена, цельнозерновые крупы, зелень, фрукты и овощи в каждый прием пищи);

ферментированные продукты (квашеная капуста, кисломолочные продукты, тофу, комбуча) для поддержки микробиома кишечника.

4. Обеспечьте качественный сон. Лучший способ минимизировать последствия

Длительный стресс негативно влияет на ЖКТ: тормозится переваривание пищи, снижается разнообразие полезных бактерий кишечника. Снижается производство активных гормонов щитовидной железы Т3 и Т4, замедляется обмен веществ, снижается работоспособность, возможны такие проявления, как раздражительность и перепады настроения.

Анна КИРЕЕВА.

**Специальное уведомление о закупках
Республика Узбекистан**

Стратегическая программа обеспечения готовности и реагирования
для проекта по борьбе с пандемией COVID-19
Сектор здравоохранения

Закупка медицинского оборудования для Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии

Метод финансирования: ИСТИСНА'А

Финансирование № 0074

Название контракта: закупка медицинского оборудования для Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии

Номер запроса: UZB/RfQ/03

Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Исламского банка развития (ИБР) для покрытия расходов, связанных с проектом «Стратегической готовности и реагирования на пандемию COVID-19» и намеревается использовать часть этого финансирования для выплат по контрактам на закупку медицинского оборудования для Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии.

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан настоящим приглашает правомочных участников торгов представить свои коммерческие предложения на поставку ниже следующего оборудования:

Лот №	Поз.	Наименование оборудования	К-во (Общее)
Лот 1	1.1	Комплект инструментов и оборудования для лапароскопических операций и донорской нефрэктомии	2
	1.2	Комплект инструментов и оборудования для лапароскопических операций	2
	1.3	Комплект инструментов и оборудования для торакокопических операций операций	1
Лот 2	2.1	Комплект для видеогастроскопии и видеокOLONOSКОПИИ	1
	2.2	Комплект для видеогастроскопии и видеодуоденоскопии	1
	2.3	Комплект для видеогастроскопии и видеобронхоскопии	1
	2.4	Комплект для назальной видеогастроскопии и видеодуоденоскопии	1
	2.5	Комплект для бронхоскопии, Тип № 1	1
	2.6	Комплект для бронхоскопии, Тип № 2	1
Лот 3	3.1	Автоматическая стерилизационная машина для гибких эндоскопов	2
	3.2	Низкотемпературный озоновый стерилизатор	6
	3.3	Паровой стерилизатор (автоклав), Тип № 1	1
	3.4	Паровой стерилизатор (автоклав), Тип № 2	1
	3.5	Сухожаровой шкаф	4
	3.6	Низкотемпературный плазменный стерилизатор	2
Лот 4	4.1	Система для продленной заместительной почечной терапии	2
	4.2	Система для автоматического перитонеального диализа	1
Лот 5	5.1	Система автоматического цитоплазмозфераза	1
	5.2	Полуавтоматический экстрактор компонентов крови	2
	5.3	Аппарат для размораживания плазмы	2

Участники торгов могут предоставить предложение, как на все Лоты, так и на любой из Лотов по отдельности. Коммерческое предложение на конкретный лот должно содержать все позиции лота и 100% количества, указанного для каждой позиции лота. Предложения будут оцениваться и контракты будут присуждаться отдельно по Лотам.

Настоящие торги будут проводиться в соответствии с процедурами закупок, как указано в Руководстве (ИБР): Закупки товаров, работ и сопутствующих услуг в рамках Финансирования проектов Исламского банка развития. Ред. апрель 2019 года ("Руководство по закупкам"), и открыты для всех правомочных участников торгов, как определено в Руководстве по закупкам. Кроме того, пожалуйста, ознакомьтесь с пунктами 1.18 -21, в которых излагается политика ИБР в отношении конфликта интересов.

Заинтересованные участники, правомочные участвовать в торгах, могут получить дополнительную информацию у Объединенной группы реализации проектов и ознакомиться с конкурсной документацией в рабочее время с 09:00 до 17:00 часов (по ташкентскому времени) по нижеуказанному адресу.

Коммерческие предложения должны быть доставлены по нижеуказанному адресу не позднее 15:00 (Ташкентское время), 23.01.2023 г. Электронная подача коммерческих предложений не допускается. Опоздавшие предложения будут отклонены.

Объединенная группа реализации проектов (ОГРП)

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан

Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников

Республика Узбекистан, 100007, г. Ташкент. ул. Паркентская, 51

Тел.: +99871 268-25-39 (доп.124)

Электронный адрес: idb.ses@gmail.com

**Specific Procurement Notice
Republic of Uzbekistan**

Strategic Preparedness and Response Program for COVID-19 pandemic
Health sector

Procurement of Medical equipment

Mode of Financing: Istisna'a Financing

Financing No. UZB0074

Contract Title: Procurement of Medical equipment for Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center for Surgery

RfQ Reference No. UZB/RfQ/03

1. The Government of the Republic of Uzbekistan has received financing from the Islamic Development Bank (IsDB) toward the cost of "Strategic Preparedness and Response Program for COVID-19 pandemic" project, and intends to apply part of the proceeds toward payments under the contract for procurement of medical equipment for the Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center for Surgery.

2. The Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan now invites price quotations from eligible bidders for supply of the following equipment:

Lot No.	Pos.	Description of equipment	Quantity (total)
Lot 1	1.1	Set of instrument and equipment for laparoscopic operations donor nephrectomy	2
	1.2	Set of instrument and equipment for laparoscopic operations	2
	1.3	Set of instrument and equipment for thoracoscopic operations	1
Lot 2	2.1	Set for video gastroscopy and video colonoscopy	1
	2.2	Set for video gastroscopy and video duodenoscopy	1
	2.3	Set for video gastroscopy and videobronchoscopy	1
	2.4	Set for nasal video gastroscopy and video duodenoscopy	1
	2.5	Set for bronchoscopy, Type No. 1	1
	2.6	Set for bronchoscopy, Type No. 2	1
Lot 3	3.1	Automatic sterilization machine for flexible endoscopes	2
	3.2	Low temperature ozone sterilizer	6
	3.3	Steam sterilizer (autoclave), Type No. 1	1
	3.4	Steam sterilizer (autoclave), Type No. 2	1
	3.5	Drying chamber	4
	3.6	Low temperature plasma sterilizer	2
Lot 4	4.1	System for continuous renal replacement therapy (CRRT)	2
	4.2	System for automatic peritoneal dialysis	1
Lot 5	5.1	Automatic apheresis and cell collection system	1
	5.2	Semi-automatic blood component extractor	2
	5.3	Plasma thawing system	2

Bidders may quote for any or all lots. A quotation for a particular lot must contain all items of the lot and 100% of the required quantities for each item of the lot. Price quotations will be evaluated and contracts will be awarded on Lot-by-Lot basis.

3. The Shopping procedures will be applied as specified in IsDB's Guidelines: Procurement of Goods, Works and related services under Islamic Development Bank Project Financing, April 2019 ("Procurement Guidelines"), and is open to all eligible bidders as defined in the Procurement Guidelines. In addition, please refer to paragraphs 1.18-21 setting forth IsDB's policy on conflict of interest.

4. Interested eligible bidders may obtain further information from the United Project Management Unit and inspect the bidding documents during office hours 09.00 to 17.00 hours (Tashkent time) at the address given below:

5. Price quotation must be delivered to the address below on or before 15:00 (Tashkent time), 23.01.2023. Electronic submission will not be permitted. Late price quotations will be rejected.

United Project Management Unit (UPMU)

The Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan

Center for the development of professional qualification of medical workers

51, Parkent str., Tashkent, 100007 Republic of Uzbekistan

Tel.: +99871 268-25-39 (add.124)

Email: idb.ses@gmail.com

• КАРДИОЛОГИЯ •

**ПЯТЬ ОТЛИЧИЙ МУЖСКОГО
И ЖЕНСКОГО СЕРДЦА**

Стало известно, что мужское сердце отличается от женского с точки зрения медицины. О некоторых отличительных признаках рассказал кардиолог Яман Зорлутуна, его слова приводит издание Ferra.

Как заявил медик, сердце женщин меньше и чувствительнее. Также сосудистые структуры женского сердца куда тоньше, поэтому есть риск

их повреждения.

Холестерин, в зависимости от пола человека накапливается в разных зонах. У мужчин в крупных, у женщин в более тонких.

Женщин ишемическая болезнь сердца зачастую настигает позже на 7-10 лет, чем мужчин.



Также отличаются и основные симптомы инфаркта. У женщин он выражается рвотой и тошнотой, а у мужчин возникает боль в области груди.

Также женщины обладают большей предрасположенностью к таким болезням как диабет, повышенное кровяное давление, ожирение.


Стелла ШМЕЛЬ.

САЛОМАТЛИК БУРЧАГИ

Нима учун боланинг қўлидан
тортиб юрмаслик керак?

Педиатр Мухсина Умарова:

– Тирсак суяги чиқиши (тирсак сублуксацияси) болаларда энг кўп учрайдиган шикастланидир. Хавф гуруҳи 5 ёшгача бўлган болалардир. Бу жароҳат болани жуда қаттиқ ёки тўсатдан чўзилган қўлда тортганда пайдо бўлади.



– Тирсак сублуксациясининг асосий белгиси бола қўлни ҳаракатга келтирганда оғриқдир. Шу билан бирга иши, кўкариши белгилари бўлади.

– Шикастланишининг олдини олиш учун болангизни қўлларидан кўтарманг. Бунинг ўрнига, уни қўлтиқ остидан кўтаринг. Боланинг қўлини тортманг. Ҳеч қачон чақалоқларни қўлларидан тортманг.

Туғуруқдан кейин витаминлар
қабул қилишнинг қандай
фойдалари бор?

Педиатр Мухсина Умарова:

Лактацияга ёрдам беради. Агар она боласини эмизаетган бўлса, қуйидаги витаминлар керак бўлади:

- холин – чақалоқнинг миясини ривожлантириши учун;
- йод – қалқонсимон безнинг ишлашини ва тўғри метаболизмни йўлга қўйиши учун;
- витамин B12 – камқонлик ва болада ривожланиш кечикишининг олдини олиш учун;



– D витамини – она ва боланинг суяк ҳамда юрак саломатлиги учун. Анемиянинг олдини олишга ёрдам беради.

Соч тўкилиши кўпинча туғуруқдан 3 ой ўтгач бошланади ва 6 дан 12 ҳафтагача давом этади. Бу ҳодиса организмдаги селен, рух ва миснинг етишмаслиги билан боғлиқ. Шунинг учун ушбу минералларни туғуруқдан кейинги витаминлар шаклида рационга қўйиш керак.

Чақалоқни кўп ҳиқичоқ
тутса хавотир олманг!

Педиатр Мухсина Умарова:

Олимлар янги туғилган чақалоқларда ҳиқичоқ тутиши бош мия ривожланишининг асосий белгиси, деб ҳисоблашади. Ҳиқичоқ вақтида боланинг бош миясида нафас олиш жараёнини назорат қилувчи сигналлар пайдо бўлади. Ҳиқичоқ хомиладорликнинг тўққизинчи ҳафтасида пайдо бўлади ва туғилган вақтида ҳам давом этади. Ой куни тўлиб туғилмаган чақалоқларда, айниқса,

ҳиқичоқ кўп кузатилади.

Тадқиқот: Лондон университети олимлари ҳиқичоқ вақтида қорин мушаклари (диафрагма) қисқариши бош мия асосида ижобий реакцияларни келтириб чиқаришининг гувоҳи бўлишди.

Катталарни ҳиқичоқ тутишини эса кўпчилик олимлар чақалоқлик давридан қолиб кетган қолдиқ рефлекс деб тахмин қилишган.

Уйда танометр бўлмаганда қон
босими ошган ёки тушганлигини
қандай билиш мумкин?

Шифокор Лайло Бахтиёрова:

Қон босими пасайганда қуйидаги белгилари кузатилади:

– уйқучанлик, асабийлашиш, эрта тонгда кучсизлик, кўп терлаш, қўллар ва оёқлар музлаши, нафас қисилиши ва жисмоний машқлар вақтида кучли юрак уриши, бемор рангининг оқариб кетиши, пешона-чакка соҳаларда оғриқ, бош айланиши, кўнгил айнаши.

– Юқоридаги ҳолатлар кузатилса, уй шароитида иссиқ кофе ичинг ва бироз ширинлик еб, оёқни озроқ баланд қилиб ётинг.

– Қон босими баланд бўлса, қуйидаги симптомлар кузатилади: бош оғриғи, бош айланиши, кўриш фаолиятининг сусайиши, ҳолсизлик, уйку бузилиши, қулоқларда шовқин, тахикардия, бурун қонаши.

– Агар бу белгилар кузатилса, лимон чой, айрон ёки қатик ичинг. Икки ҳолатда ҳам тоза ҳаводан нафас олиш яхши фойда беради.

Таваккаллик билан турли дори-лар ичманг, дори ичишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.

@Ginekologiya - Ayollar

ҚОР ЁҚҚАН
КУН

Қандай яхши кузатмоқ тўйиб
Ташқарида ёққан оқ қорни,
Ҳеч бўлмаса олдинга қўйиб
Бир пиёла чой, бир бурда нонни.

Бирок, нега чидамас юрак,
Қийинаман завқ ила мамнун –
Қийин экан уйда ўтирмақ
Ташқарида ёққанида қор.

Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоаси бошқарманинг бош мутахассиси-
Маъмурахон Сафоевага падари бузруквори
Отажон АЛИЖОНОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 676 нусха.
Буюртма Г-135

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.